

# Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2024-yil 29-fevral, payshanba

№ 8 (9276)

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti\_gazetasi

**Президент** Шавкат Мирзиёевга 27 февраль куни Тошкент шаҳрида саноат ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳамда инфратузилмани ривожлантириш бўйича ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан ахборот берилди.

## ТОШКЕНТ ШАҲРИДА САНОАТ, ИНФРАТУЗИЛМА ВА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, сув ва

берилди. 664,5 гектар майдонни эгаллайдиган саноат зонаси ҳудудида яқин йилларда 1,5 миллиард доллар миқдорда тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини ўзлаштириш, 2,5 мингта янги



бошқа табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, ҳудудларнинг туризм салоҳиятини рўёбга чиқариш, аҳолининг уй-жой шароитлари ва шаҳарлар инфратузилмасини яхшилаш бўйича қатор мақсад ва вазифалар белгиланган.

Бугунги йилги бўлаётган борадаги ишларни пойтахтда ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни соддалаштириш мақсадида Тошкент шаҳрида акциядорлик жамияти шаклида “Тошкент инвест компанияси” ташкил этилган. Компания бўш ер участкалари негизда инвестиция лойиҳалари ва давлат-хусусий шериклик, шу жумладан, реновация лойиҳаларини амалга ошириш билан шуғулланади.

Шу муносабат билан давлат-хусусий шериклик шартларида лойиҳаларни амалга оширишнинг соддалаштирилган тартиби, пойтахтда реновация лойиҳаларини амалга ошириш тартиби, “хаётий давр шартномаси” асосида ҳамкорлик қилиш тартиби тасдиқланмоқда.

Тақдимотда Янгиҳаёт туманининг саноат салоҳиятини ошириш ва юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилиши режалаштирилган “Янги авлод” махсус саноат зонаси тўғрисида ахборот

иш ўринларини яратиш, йилга 1 триллион сўмдан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва 5 миллион доллар миқдорда экспортни амалга ошириш режалаштирилмоқда. Пойтахтда туризм хизматлари ва инфратузилмасини ривожлантириш бўйича таклифлар ҳам кўриб чиқилди.

Шу мақсадда Тошкентнинг Миробод, Олмазор, Чилонзор, Учтепа, Шайхонтоҳур, Юнусобод, Яккасарой ва Яшнобод туманларида тегишли чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш режалаштирилган. Дастурда гастрономик туризм ва “хунармандлар” кўчаларини ташкил этиш, замонавий савдо-сервис объектлари ва меҳмонхоналар қуриш, калналар бўйида яшил ва дам олиш ҳудудларини барпо этиш кўзда тутилган.

Бу борадаги ишларни маҳалла даражасида ташкил этиш, бунда маҳаллаларнинг ўсиш нуқталарини аниқлаб, муайян фаолият турига ихтисослаштириш ва ҳудудларни қўқаламзорлаштириш бўйича “Анджон тажрибаси”дан кенг фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган ҳужжат лойиҳалари ва таклифларни маъқуллаб, уларнинг ижросини сифатли ва самарали ташкил этиш юзасидан мутасаддиларга қатор топшириқлар берди.

ЎЗА



## ЎЗБЕКISTON ТАШАББУСИ БИЛАН 2027 ЙИЛ ХАЛҚАРО БАРҚАРОР ВА ЯШОВЧАН ТУРИЗМ ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

26 февраль куни Нью-Йорк шаҳридаги БМТ бош қароргоҳида Ташкилот Бош Ассамблеяси томонидан “2027 йил – Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили” резолюцияси бир овоздан маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан илгари сурилган ушбу резолюцияга 80 дан ортиқ аъзо мамлакат ҳаммуаллифик қилди.

Ҳужжат матнини мувофиқлаштириш бўйича маслаҳатлашуларда Россия, Хитой Халқ Республикаси, АҚШ, Туркия, Германия, Буюк Британия, Япония, Корея Республикаси, Миср, Бразилия, Аргентина каби етакчи давлатларнинг, Европа Иттифоқи делегациясининг экспертлари фаол иштирок этди ва резолюция мазмунини бойитишга муҳим ҳисса қўшди. БМТга аъзо давлатлар вакиллари ушбу резолюциянинг тақдим этилиши ўз вақтида ва долзарб эканини қайд этдилар.

Ҳужжатнинг бош мақсади Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йилнинг октябрида Самарқандда бўлиб ўтган БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясида туризм соҳасининг янги муаммолар ва замонавий ҳатлар олдида барқарорлиги ва мослашувчанлиги бораида билдирган фикрларига асосланган.

Давлатимиз раҳбари томонидан туризмнинг турли цивилизациялар бой маданий меросини асрашда, тинчлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлашда, халқларнинг қадриятларини ҳурмат қилишда муҳим ўрин тутиши тўғрисида баён этилган тамойиллар ушбу резолюцияда мустаҳкамланган.

Ҳужжатда экология, биохилма-хилликни асраш ва атмосферанинг ифлосланишини камайтириш йўлида “яшил” туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Резолюция 2027 йилни Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили деб эълон қилишни қарор қилади ҳамда БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилотини ҳукуматлар, БМТ тизимидаги тузилмалар, минтақавий ташкилотлар билан биргаликда йилни муваффақиятли ўтказиш учун комплекс чоралар кўришга чақиради.

Резолюцияда барқарор туризмни, жумладан, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, иқтисодий ўсиш, тўлиқ бандликни таъминлаш, кишлоқ ҳудудларини ривожлантириш ва кишлоқ аҳолисининг яшаш

шароитларини яхшилашга хизмат қилувчи экотуризмни ривожлантириш муҳимлиги таъкидланади.

Резолюция барча манфаатдор томонларга барқарор ва яшовчан туризмни камбағалликни бартараф этиш, аёллар, ёшлар, кексалар ва ногиронларнинг иштирокини рағбатлантириш, иқтисодий имкониятларни кенгайтириш ҳамда муносиб иш жойлари ва даромад манбаларини яратишнинг муҳим воситаси сифатида фаол илгари суришни тавсия этади.

Ҳужжат билан БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилотига ушбу резолюциянинг амалга оширилиши юзасидан БМТ Бош Ассамблеясининг 83-сессиясида (2028 й.) ахборот бериш, бунда Халқаро йил қай даражада ўтказилганини баҳолашга алоҳида эътибор бериш топширилди.

Экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон томонидан илгари сурилган резолюция туризм саноатининг глобал даражада янги босқичга кўтарилишини бошлаб беради.

ЎЗА

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

**Фотосуратдаги** манзарага назар ташланганда, Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузурдаги мелиоратив экспедициянинг Ангор тумани мелиоратив участкаси ходимлари зовурларда ўсган, сўнг қуриган қамиш, ғўмай, юлғунларни ёқиб юбораётгани аққол кўринади.

## БОЙЛИК НЕГА ЁҚИБ ЮБОРИЛАЯТТИ?

Қуриган қамиш ут қўйиш аввало атроф-муҳитга зиён, сўнгра мусавфо ҳавони ифлослантиради, инсонлар саломатлигига таъсир қилади. Аслида тадбиркорликдан озгина хабардор киши учун зовур-коллекторлар ичи ва қирғоғида ўсадиган қамиш тенгиз бойлик. Чунки вилоятдаги “Сурхонсаноат компанияси” АЖнинг Термиз шаҳрида Музработ туманида фаолият кўрсатаётган корхоналари цехларида Амударёнинг бўйларида ўсадиган қамишлар қуригач, ўриб олиниб, бир неча хил ва ўлчамадаги деворбоп, шифтбоп, полбоп ДВП маҳсулотлари тайёрланапти. Ушбу корхона ишбилармонлари дарё бўйидан қуриган қамишларни ўриш, ташиб келтириш учун

қанча техника, ишчи кучи жалб этмоқда. Зовур-коллекторлар ичи ва қирғоқларида ўсадиган қамишлар қуригач, ўриб олиниб, ўша корхоналарга топширилса, ҳам халқ хўжалиги фойда кўради, ҳам мелиораторлар даромади ортади.

Аму-Сурхон ИТХБ ҳузурдаги мелиоратив экспедиция мутахассислари томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, вилоятнинг Ангор, Бандихон, Қизирик, Музработ, Термиз, Шеробод туманлари ҳудудида ер ости сизот сувларини чиқариб кетувчи жами 1112 километр узунликдаги хўжаликлараро, 5620 километр узунликда ички коллекторлар, яъни деҳқончасига айтганда зовурлар мавжуд.


(Давоми 2-саҳифада)



## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

**Халқ қабулхоналари** жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда уларга энг яқин бўлган ҳақиқий халқчил демократик институт ҳисобланади. Шу боис ҳар бир жисмоний ва юридик шахс мурожаати Халқ қабулхоналари томонидан ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган ҳолда ўрганиб чиқилмоқда.

## КАМЧИЛИК ВА МУАММОЛАР БОР ЖОЙДА РИВОЖЛАНИШ БЎЛМАЙДИ



Зарурат вужудга келганда эса мурожаатлар ўз ўрнида бошқа тегишли давлат идоралари билан ҳамкорликда ҳал этилмоқда. Бироқ мавжуд амалиёт ва таҳлиллар шунини кўрсатадики, муаммолар ўз вақтида, жойида ҳал қилинмаганлиги, фуқаролар мурожаати қаноатлантирилмай, пайсалга солиб келинган, раҳбар ходимларнинг масъулиятсизлиги ва давлат ташкилоти вакилларига фуқаролар ишончсизлиги сабаб Халқ қабулхоналарига мурожа-

атлар қилинапти. Халқ қабулхоналари томонидан мурожаатлар ўрганилганда энг аввало, мурожаатни юзага келтираётган омилар, сабаблар ва шарт-шароитлар тўлиқ ўрганиб чиқилади. Бу эса ўз навбатида, биринчидан, такрорий мурожаатларнинг олдини олса, иккинчидан, бир турдаги мурожаатларни ҳал қилиш амалиёти самарадорлигини ошириш имконини беради. Чунки камчилик ва муаммо бор жойда ўсиш, ривожланиш бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни татбиқ этилмайдиган мурожаатларни Халқ қабулхонаси кўриб чиқмайди. Бундай ҳолатларда фуқаролар ўз мурожаатларининг мазмунини, предмети ва тегишлилиги бўйича судлар ва бошқа масъул идораларга бевосита мурожаат этишлари мумкин. Халқ қабулхонасининг асосий вазифаси аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш ҳамда фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун зарур шароитлар яратиш билан белгиланади.

Иброҳим ЎЛМАСОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Поп  
туманидаги

Халқ қабулхонаси етакчи мутахассиси.

## ЯПОНИЯЛИК ҲАМКОРЛАР ИШТИРОКИДА СЕМИНАР ЎТҚАЗИЛДИ

Шу йилнинг 27 февраль куни Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация марказида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Япония Ер, инфратузилма, транспорт ва туризм вазирлиги ҳамкорлигида “Тўғонларни ривожлантириш ва бошқариш (рақамлаштиришни тарғиб қилиш)” мавзусида қўшма илмий-амалий семинар ташкил этилди.



Тегишли вазирлик ва идоралар масъуллари, соҳа олим ва мутахассислари, Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, ЈСА (Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Япониянинг қатор компаниялари вакиллари ҳамда талабалар иштирок этган тадбирда мавзу юзаси-

дан қўллаб-қувватлаш алоқалари таъминлаш бўйича тақдимотлар, семинарларнинг олдини олиш нуктаи назардан тўғонларнинг ўзбекистондаги элчихонаси, ЈСА (Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Япониянинг қатор компаниялари вакиллари ҳамда талабалар иштирок этган тадбирда мавзу юзаси-

Ўз мухбиримиз

## АҲОЛИНИ РО‘ҲАТГА ОЛИШ ТАДБИРИ ҚАНДАЙ О‘ТҚАЗИЛАДИ?

АҲОЛИНИ РО‘ҲАТГА ОЛИШ BELGILANGAN SANADA AHOILNING DEMOGRAFIK VA IJTIMOY-IQTISODIY TAVSHLARINI BELGILOVCHI SHAXS GA DOIR M‘ALU MOTLARNI YIG‘ISH HAMDA ULARGA ISHLOV BERISH DAVR IJARAYONI BO‘LIB, RESPUBLIKA BO‘YLAB YOKI UNING MUAYYAN HUDDULARIDA 10 YILDA BIR MARTA O‘TKAZILADI.

2

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

**Ўқувчи ёшлар** ўртасида тарбиявий ишларни олиб боришни айримлар мактабнинг иши ҳисоблайди. Фарзандининг хулқи-атвори масаласида бирор муаммо бўлиб, мактабга чақирилса, оилада бунга фақат онани масъул қилиб қўйиш ҳоллари учрайди. Ҳолбуки, бола тарбиясида отанинг ўрни ҳеч қачон ўз мавқеини йўқотмайди.

## ОТАЛАР МАЖЛИСИ

Ҳозир туманидаги Убайдил-Ла Уватов номидаги 1-мактабда ўқувчиларнинг тарбиясига оталарнинг эътиборини оширишга ҳаракат қилиб келинмоқда. Яқинда ҳам ўқувчиларнинг оталари "Отам - давлатим" деб номланган тадбирда иштирок этиш учун мактабга таклиф қилинди. Анъанага айланиб бораётган бундай йиғилишларнинг навбатдагисида оталарнинг фаоллиги янада ошганлиги кўзга ташланди. Хизмат сафарига бўлган оталарнинг ўрнига ўқувчиларнинг бобоси ёки акаси оталар тарбиясида бўлган болаларнинг оталарини ҳисобга олганда катта залда асосан оталар ҳам бўлишди.

Мактаб директори Лола Усмонова йиғилишларга мактабдаги ўқув-тарбия соҳасида олиб борилаётган ишлар, ўқувчиларга яратилаётган шароитлар тўғрисида ҳисобот берди. Директорнинг қайд қилишича, эндиликда барча синфларда эскириб кетган ва болалар учун ноқулай бўлган парта-тухталар тўлиқ янгиланди, телевизор ва электрон доска ўрнатилмаган синф қолмади. Барча ўқувчилар компьютердан тўлиқ фойдаланиб келишмоқда. Эндиликда эътибор асосан дарс сифатини оширишга қаратилмоқда. Ҳозирги вақтда мактаб залига катта синглии монитор ўрнатилмоқда. Насиб бўлса, оталар кейинги йиғилишга келганларида дарс жараёнларини ушбу жойдан туриб кузатишлари мумкин бўлади. Ўқувчиларнинг хорижий тилларни ўрганиши учун мактабда тўлиқ шароит яратилган, ҳамма фанлардан тўғрақлар ишлаб турибди. Мактабда ўқув устaxonалари жиҳозланмоқда. Шароитлар йилдан-йилга яхшилана бораётганлигига қарамадан айрим камчиликлар ҳам борки, уларни оталар ёрдамисиз баргараф этиш мушкул. Эндиликда ҳар бир ўқувчининг мактабдаги фаолияти кундалик.com орқали барча ота-оналарнинг телефонларига узатиб келинмоқда. Аммо айрим ота-оналар уни очиб кўрмайпти, ўз фарзандининг даволатини, ўзлаштиришини назорат остига олмаслик ҳоллари учраб турибди. Мактабда ягона ўқув формаси жорий қилинган бўлиб, аксарият ўқувчилар кийинишда бунга амал қилиб келишади. Кам сонли ўқувчилар кийинишда, соҳаларини тартибга солишда бу қоидага амал қилмайди. Ўқувчи дарсага отланаётганида унинг кийиниши ва ўзига оро беришини назорат қилишни оталардан илтимос қилдик. Ҳозир ҳар бир ўқувчининг қўлида мобил телефон мавжуд ва улар бундан қандай фойдаланаётганлигини назорат қилиш муаммо бўлиб қолмоқда. Мактаб раҳбари барча оталардан ва оналардан болалар қўлидаги телефонлардан нималар кўраётганини мунтазам назорат қилишни сўради.

Айниқса, қизларнинг тарбияси қанчалик нозик эканлиги, уларнинг телефонда кимлар билан алоқада бўлишларини доимо кузатиб боришга йиғилишларнинг эътиборини қаратди.

Йиғилишда сўзга чиққан туман ҳокими Бекзод Суёнов ота-оналар олдига қўйилган вазифаларга ўз муносабатини билдирди. Мактабда ўқитувчиларнинг билими мунтазам синовдан ўтказилиб, рейтинг аниқланиб келинаётгани, мактаб ҳовлисида ўрнатилган доскада уларнинг ютуқлари акс эттирилиб, яшил, сариқ ва қизил рангда ёзиб қўйилганлигига алоҳида тўхталди. Муҳими, қизил зонага тушиб қолган ўқитувчи ўз устида ишлаб сариқ, кейинчалик яшил зонага чиқишга интиломоқда.

Мактабнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Ҳ.Жумақулов йиғилишларни таълим соҳасидаги ўзгаришлар таълим таништирди. Эндиликда мактабда ўқувчининг билими фақатгина 1 дан 5 гача бўлган рақамлар билан баҳоланмасдан кўп балли рейтинг орқали баҳо-ланиши жорий этилади. Таълим-тарбиянинг ҳар бир соҳаси бўйича ўқувчига баллар қўйиб борилади ва ота-оналар уйларида туриб, ўз фарзандининг бир ўқув кунини нималар қилганлигини билиб олиши мумкин бўлади.

Ахборот кундан кунга ортиб бораётган ҳозирги даврда ўқувчиларнинг рухий ҳолати ҳар кунлик эътиборни талаб қилади. Мактаб психологи М.Янгиева бу масалага тўхталди, айниқса, қизлар тарбиясида оталарнинг эътиборини кучайтиришни талаб қилди. Глобаллашув даврида ёшлар ҳаётига хавф солувчи омиллар ҳам кўпайиб бормоқда. Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бўлим бошлиғи Ф.Муҳаммадиев ва майор Ж.Мамамадиевлар йиғилиш қатнашчиларига видеофильм намойиш қилиб, турли диний экстремистик оқимга кириб қолаётган ёшлар ҳаёти ва уларнинг фожасига тўхталди. Бундай ҳолларнинг олдини олишда оталарнинг масъулияти катта экани тушунтирилди. Шунингдек, йиғилишда транспорт воситаларининг кўпайиши ўқувчилар ҳаётига катта хавф туғдираётганлиги таъкидланди. Мактаб рўпарасига светофор ўрнатилишига қарамадан, айрим ҳайдовчилар қизил чирокда ҳаракатланиб, болалар ҳаётига хавф солаётганлиги туман ҳокими олдига масала қилиб қўйилди.

**Лола ҚУЛИМТОВА,**  
Ҳозир туманидаги Убайдил-Ла Уватов номидаги мактабнинг маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари,  
**Машхура САФАРОВА,**  
Элмира РАҲИМОВА  
мактаб ўқитувчилари.

БОЙЛИК  
НЕГА ЁҚИШ  
ЮБОРИЛАЯПТИ?

## Боши 1-саҳифада

Уларнинг ичи ва қирғоғида ўсган, эндиликда қуриган қамишга ўт қўйиб юборилмай, ўриб-йиғиб олинса, қайта ишлаш корхоналари учун тонна-тонна тайёр хомашё. Муҳими, табиатга зиён етказилмайди, қўшимча даромад олинади.

Шу ўринда зовурлар ичи ва қирғоғида қамиш неча тез ўсади? деган савол қўйилди. Гарчанд, ҳар йили зовур-коллекторлар навбати билан экваторлар ёрдамида тозаланса-да, барибир ёввойи ўтларни, хусусан, қамишни таг-томири билан йўқотиш қийин. Биласиз, зовурларга галла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштириладиган далалардан сизот сувлари тушади. Заминдаги зироатларни сўғориш жараёнида сувнинг бир қисмини ўсимликлар ўзлаштиради, яъни ер остига сингади, ортиқча зовурлар орқали дарёларга тушиб кетади. Галла, пахта ва бошқа зироатлар парвариши жараёнида ерга маҳаллий ҳамда минерал ўғитлар солиниши ҳаммага аён. Истаимизми-йўқми, замин ва ўсимликлар ўғитларини тўлиқ "ҳазм" қилолмайди, яъни ўзлаштирмайди. Натижада ўғитларнинг бир қисми сизот сувлари билан зовурга тушади. Шубҳасиз, минераллашган обихаёт зовурлардаги қамишларнинг тез ўсиши ва ривожланишини таъминлайди. Шу боис, воҳанинг юқорида номлари келтирилган туманлари ҳудудидagi зовурларда қамиш ва бошқа ўт-ўланлар тез етилиб, бўйи бир

метрдан уч метргача ўсади. Ёз ва куз ойларида зовурлардаги қамишларни ўриш ёки ёқиб юбориш имкони йўқ. Сабаби, зовурларда сизот сувлари оқиб туради, боз устига қамишу гўмай ям-яшил бўлгани туфайли керосин сепиб ўт қўйсангиз ҳам ёниб кул бўлмайди. Айни куз ойларининг охири ва қиш ойларининг бошида зовурлардаги қуриган қамишу гўмай хунук манзара касб этиб, туманлар мелиоратив участкалари ҳодимларига катта ташвиш туғдиради. Катта йўллар четидagi зовурлар ичида сарғайиб турган қамишларга кўзи тушган кас борки, мелиораторларга: "зовурларингни тозалаб қўйсаларинг бўлмайми?" дея дашном беради. Туманлардаги мелиоратив участкаларда атиги уч-тўрт нафар мутахассис ишлашини инобатга олсак, уларнинг зовурлардаги қуриган қамишларни йўқотишдан бошқа ташвишлари ҳам етарли. Боз устига бир туман ҳудудида камида 600-700 километр узунликда каттао кичик зовур бор. Шунча жойдаги қамишни уч нафар мутахассис қўлларига ўроқ ёки чалғи ушлаб, ойлаб ўрса ҳам тугатолмайди. Оқибатда қандай ҳол рўй берапти? Мелиоратив участка ҳодимлари каттао кичик раҳбарларнинг: "зовурларингни қачон тартибга келтирасанлар?" деган даққиларидан кутулиш учун қуриб қолган қамишу гўмайларни ёқишга мажбур. Бу "қилиқ"лари учун дашном устига дашном эшитишади. Туман ҳокимлиги мутахассислари: "нега ўт қўйдинг" деб дўқ-сиёбат қилса, туман экология, та-

биатни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришлари бўлими ҳодимлари: "мусаффо ҳавони ифлослантиряялсанлар, бу учун жарима қўлаймиз" деб илдоа қилади. Хуллас, мелиоратив участка ҳодимлари зовурлардаги қамишу хас-хусларга ўт қўйишни ҳам, ёқмасликни ҳам билмай арасатди. Ёқмаса, баҳор ёзда зовурларда сизот сувлари юриши қийинлашади, ёқса гап-сўз кўп, жарима қўллайман дейишади.

– Зовурларда эрта баҳор ва ёзда гуркираб ўсадиган, кеч кузга бориб сарғайиб, қуриб қоладиган қамишни ўроқ ёки чалғи ёрдамида ўриш кўп вақт талаб қиладиган юмуш, – дейди Ангор тумани мелиоратив участкаси бошлиғи Бозор Мамамадиев. – Уч нафар ҳодим билан 120 километр узунликдаги хўжалиқларо ва 600 километр узунликдаги ички зовурларни қамишу ўт-ўланлардан тозалаш мушкул. Ноилж ўт қўйишга мажбурмиз. Ёқмаслик ёки ўриб олишнинг бир йўли бор, у ҳам бўлса махсус техника керак. Техника бўлса, қуриган қамишни ўриб, зовурнинг четига чиқариб, қайта ишлаш корхонасига топширилади. Натижада ўша корхонага ҳам, мелиоратив участканинг ривожлантириш жамғармасига ҳам маблағ тушади.

– Бундан йигирма беш-ўттиз йил муқаддам сув хўжалиги ташкилотларининг техника сақлаш паркларида махсус техникалар бўлгич эди. Бу техникалар зовур ёки каналнинг ҳимоя зонасидаги йўлакдан юриб кетаверди,

ўргич асбоблари зовур-каналнинг ичи ва қирғоғида ўсган қамишу ўт-ўланларни ўриб кетаверди, – дейишади Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида ишлаб кетган, ҳозирда нафақада бўлган кекса мутахассислар. – Шундай техникаларни топиб келтириб, мелиоратив участкаларга бериш керак.

Ангор тумани мелиоратив участкаси бошлиғи Бозор Мамамадиевнинг қуноқ-чаклик билан билдирган фикрига шуни қўшимча қилолмаймиз, зовурларни қамишу ҳар хил ўтлардан тозалаш фақат Сурхондарё вилоятининг Ангор, Бандихон, Музработ, Термиз, Қизилқум, Шеробод туманларининг эмас, балки Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё вилоятлари соҳа ҳодимларини ҳам ўйлантираётган муаммодир.

Президентимизнинг жорий йил 5 январдаги "Қўйи бўғида сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 9 февралдаги "Сув етказиб бериш хизмати" давлат муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, унда туманлар ирригация бўлимлари ва улар ҳузуридagi сув хўжалиги махсус хизмати шўъбалари негизда янгидан ташкил қилинаётган "Сув етказиб бериш хизмати" давлат муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хусусан, махсус техникалар харид қилиш учун 150 миллиард сўм ажратиб белгиланди. Шубҳасиз, туманлар мелиоратив участкалари ҳам сув хўжалиги вазирлиги таркибига кирувчи корхоналар ҳисобланади. Шундай экан, туманлар мелиоратив участкаларини зовур-коллекторларни қамишу ҳар хил ўт-ўланлардан тозалашда фойдаланиладиган махсус техникалар билан таъминлаш чораларини излаш ҳаётий заруратдир. Замон ўзгарапти, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида чуқур ислохотлар амалга ошириляпти, кундан-кунга замонавий техникалар ишлаб чиқариламоқда. Шунга қарамай вилоят мелиоратив экспедиция балансида лоақал битта бўлса ҳам махсус техника йўқ, аммо зовур-коллекторлар ҳар мавсум қуриган қамишу гўмайлардан тозаланиш қарши. Соҳа мутахассислари қачонгача қамишларга ўт қўйиш билан овора бўлади?

Усмонали НОРМАТОВ

## АХОЛИНИ РО'УХАТГА ОЛИШ ТАДБИРИ ҚАНДАЙ О'ТКАЗИЛАДИ?

## Boshi 1-sahifada

Bundan asosiy maqsad, aholi tarkibining holati va rivojlanish dinamikasi haqida mamlakatni sotsial-iqtisodiy va ijtimoiy-siyosiy rivojlantirish sohasidagi davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlarini belgilash va amalga oshirish uchun zarur bo'lgan ishonchli va xolis axborotni olishdan iboratdir. Mazkur tadbir belgilangan dastur bo'yicha o'tkaziladi. Unda quyidagi savollar bo'lishi shart: shaxsning FIO, tug'ilgan sanasi va joyi, yoshi, jinsi, millati, fuqaroligi, yashash joyi (turgan joyi), tillarni bilishi, ma'lumoti, nikoh holati, bolalarining soni, uy xo'jaligi tarkibi, uy-joy sharoitlari, bandligi, yashash uchun mablag'lar manbalari, migratsiya (ichki va tashqi). Hukumat tomonidan dasturiga qo'shimcha ravishda boshqa savollar ham kiritilishi mumkin, biroq unga kiritilmagan savollarni berish taqiqlanadi. Yig'ilgan barcha shaxsiy ma'lumotlar maxfiy hisoblanadi hamda respondentning rozilgisiz ularni oshkor etish va tarqatishga yo'l qo'yilmaydi. Respondentlar yashaydigan (turadigan)



turar-joylarni va boshqa xonalarni aylanib chiqish chog'ida yoxud mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlari tomonidan ushbu

maqsadlar uchun beriladigan xonalarda ro'yxatga olish varaqlarini to'ldirish orqali respondentlar so'rovi o'tkaziladi. Bunda

axborot xavfsizligi ta'minlangan holda axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish mumkin. Respondentlar so'rovi davlat tilida o'tkaziladi, davlat tilini bilmaydiganlar ona tilida yoki erkin ravishda tanlangan muloqot tilida so'rovdan o'tkaziladi. Ro'yxatga olish varaqlari ro'yxatga oluvchi xodimlar tomonidan (maxsus kontingentdan tashqari) respondentlarning so'zlariga asosida to'ldiriladi. Respondent savollarga javob berishni rad etgan taqdirda, ro'yxatga olish varagi fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlaridagi yoki mahalliy davlat hokimiyati organlaridagi mavjud ma'lumotlar asosida to'ldiriladi. O'tkazilgan ro'yxatga olish natijalariga ko'ra yig'ma statistik axborot shakllantiriladi. Aholining demografik va ijtimoiy-iqtisodiy holatining asosiy ko'rsatkichlari foydalanish uchun ochiqdirda hamda ular OAVda e'lon qilinadi va maxsus vakolatli davlat organining rasmiy veb-saytiga joylashtiriladi.

Akmal QOBILOV,  
Sergeli statistika bo'limi  
boshlig'i.

## ПАХТАЧИЛИК ИЛМ ВА ИННОВАЦИЯ АСОСИДА РИВОЖЛАНАДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 7 июлда қабул қилинган "Пахта ҳосилдорлигини ошириш, пахта етиштиришда илм ва инновацияларни жорий қилишнинг қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Президент ҳузурида Пахтачилик кенгаши ташкил этилган.

Ушбу кенгашга пахтачилик соҳасининг тажрибали олим ва мутахассислари жалб қилинган. Бунда республикадаги пахтачиликка ихтисослашган 13 туман танлаб олинди, соҳада амалга оширилаётган ишларни илм-фанга асосланган ҳолда олиб бориш белгиланган.

Жумладан, Самарқанд вилоятида Нарпай тумани танланиб, пахта етиштиришда илм ва инновацияларни жорий қилиш, гўза парваришида мавжуд агротехнологияларни такомиллаштириш ҳамда бошқа йўналишларда зарур чора-тадбирлар кўриломоқда.

– Ўтган йил туманда 9021 гектар майдонга гўзанинг истиқболли навлари экилиб, юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштириш учун ишчи гуруҳ аъзолари ва гўза навлари муаллифлари, тегишли вазирлик ва идоралар ҳодимлари, тупроқшунос-агрохимик



олимлар жалб қилинган ҳолда инновацион агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли олиб бориш юза-

сидан фермер хўжаликлари ва кластер раҳбарлари иштирокида 200 дан ортиқ дала ўқув семинарлари ўтказил-

ди, – дейди Пахтачилик кенгашининг Нарпай тумани ишчи гуруҳи раҳбари Алишер Норбоев. – Семинарларда ҳар

бир навнинг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб илмий асосланган тавсиялар берилди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридagi "Тупроқ сифат таҳлили" ДУК ҳодимлари томонидан туманнинг Алишер Навоий, Бўстон, Ойбек ва Туркистон ҳудудлари агрохимёвий хаританомалари тайёрланди. Шу асосида дала майдонларининг ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калий бўйича таъминланганлик даражаси ва минерал ўғит меъёрлари жадаллари тузилди. Инновация жорий этилиши натижасида айрим майдонлар учун қўшимча фосфорли ва калийли ўғитлар бериш тавсия этилган бўлса, ўртача, юқори ва жуда юқори таъминланган майдонлар ҳисобига қарийб 34 тонна фосфорли, 21 тонна калийли ўғит тежалди. Бундан ташқари ерни екишга тайёрлашдан бошлаб, гўза парвариши даврида ўғитлашда ҳам илмга таянган ҳолда иш олиб

борилди. Бу эса ҳосилдорлик юқори бўлиши ва ўғит сарф-ҳаражатлари тежалиши имконини берди.

Ишчи гуруҳ аъзолари гўза вегетацияси даврида зарур агротехник тадбирлар амалга оширилишини бевосита жойига чиққан ҳолда конурма-контур ўрганди ҳамда ҳашарот ва зараркундалардан ҳимоя қилишда ҳам янгича ёндашув асосида ишлади. Қўрилган бу каби чора-тадбирлар мавсум якунида фермер хўжаликлари ва кластерларнинг пахтачиликдан яхши даромад кўришини таъминлади.

Яқинда давлатимиз раҳбари аграр соҳадаги ислохотлар, жорий йилга мўлжалланган режалар юзасидан ўтказган видеоселекторда ушбу йўналишдаги ишларни янада жонлантириш, ердан самарали фойдаланиб, ҳосилдорликни ва бу орқали халқимизнинг моддий манфаатдорлигини ошириш зарурлигини таъкидлади. Йиғилишда белгилаб берилган вазифалар асосида айти пайтда бу йилги мавсумга пухта ҳозирлик кўриломоқда.

Ҳ.ҲАСАНОВ,  
ЎЗА МУХБИРИ.



**Sanoat 4.0** – O'zbekiston Respublikasi strategiyasi doirasida "iqtisodiy rivojlanishning keyingi bosqichi" deb ataluvchi, ma'lum bir texnologik rivojlanish darajasi, ayniqsa, mahsulot ishlab chiqarish va omborlardan tashqariga chiqarish jarayonlarini avtomatlashtirish, tizimlashtirish va birlashtirishga asoslangan yangi sanoat bosqichidir.

Bu bosqichda ma'lumot texnologiyalari, ishlab chiqarish, barcha boshqaruv tizimlari, internet of things (IoT) va shu kabi yangi innovatsion texnologiyalar ko'paytirilgan integratsiyasi bilan ta'minlanadi. Bu boshqaruv tizimlari sanoat korxonalarini, oziq-ovqat, transport, energiya, kommunikatsiya va boshqa sohalar bo'yicha jadal kengayib borayotgan, bir qancha innovatsion yondashuvlar bilan aloqador bo'lgan keyingi bosqichdir. Shu bilan birga, sanoat 4.0 bosqichiga tegishli yuzlab yangi mahsulotlar va xizmatlar, shuningdek, bu mahsulot va xizmatlarni ishlab chiqarish, taqdim etish va qo'llash jarayonlarida xususiyatlarining yaxshilanishi kabi sanoat va xizmatlar sohasidagi jiddiy o'zgarishlarni o'z ichiga olgan yangi iqtisodiy modellarga olib keladi. Bundan tashqari, sanoat 4.0 bosqichi sanoatning 4.0 guruhiga kirib kelgan yoshlar uchun yangi ish imkoniyatlarini ochadi. Bu guruh, internet, ma'lumotlar, raqamlashtirish va boshqa texnologiyalar orqali bir-biriga bog'liq bo'lgan axborot almashish, faoliyatlar va ishga kirishni yaxshilashda yangi yondashuvlarga olib keladi. Bunda yoshlar milliy va hozirgi iqtisodiy modellarning qiyinchiliklarini hal qilishi va yangi, innovatsion yondashuvlarni o'rganishi va ijro etish bo'yicha yangi maqbul usullarni topishlari mumkin. Shuningdek, sanoat 4.0 bosqichiga tegishli keyingi muhim jarayon, agroindustriya sohasini boshqarishda yangi innovatsion texnologiyalardan foydalanish va birlashtirishdir. Agroindustriya sohasida yangicha ehtiyoj va talablar ortmoqda. Bu, yana bir bor, ko'p hajmda ma'lumotlarni to'plash, tahlil qilish va ulardan foydalanish, mahsulot ishlab chiqarish jarayonlarini avtomatlashtirish va birlashtirish uchun

## AGROPLATFORMALARNING AFZALLIKLARI nimalarda ko'rinadi?



kerak bo'lgan zamonaviy qo'llab-quvvatlash usullarini yaratishni talab qiladi. Agroplatformalar bu talablarni qondirishda qo'l kelmoqda. Bu platformalar, mahsulot ishlab chiqarish jarayonlarini boshqarish, moliyaviy hisob-kitob, moliyaviy risklarni boshqarish, xaridorlar va sotuvchilar bilan muntazam aloqa tashkil etish, transport va loyihalarni boshqarish, va hokozalarda ayni muddadidir. Agroplatfor-

malar mahsulot ishlab chiqarish va tarmoq uskunalarini, moddiy resurslar, transport, ta'minot va boshqa sohalarida faoliyat yuritayotgan tadbirkorlar uchun biznes-integratsiyalar tashkil etishga yordam berish va ularga qulay va sodda platformalar yaratish uchun yangi imkoniyatlarini ochadi. Shu bilan birga, yuqori sifatli xizmatlarni taklif etish, tarmoq va aloqa texnologiyalaridan foydalanish va boshqa sohalar bilan inte-



gratsiyani ta'minlash kabi qiyin talablarni qondiradi. Qolaversa, agroindustriya sohasidagi ishlab chiqarishni rivojlantirish, ishlab chiqarish jarayonlarini avtomatlashtirish va birlashtirish, xaridorlar bilan ommaviy aloqani yaxshilash, xaridorlarga qulaylik yaratish, tarmoq va aloqa texnologiyalaridan foydalanish va boshqa sohalariga integratsiya kiritish va mahsulotlarni eksport qilish imkoniyatini yaxshilash jarayonlarini rivojlantirishga yordam beradi. Umuman olganda, agroplatformalar agroindustriya sohasidagi ishlab chiqarish jarayonlarini rivojlantirish, moliyaviy va ekologik boshqaruvni yaxshilash, xaridorlar va sotuvchilar bilan integratsiya qilish, tarmoq va aloqa texnologiyalaridan foydalanish yordamida sanoat 4.0 bosqichining muhim elementi sifatida faoliyat yuritishga dastlabki bosqichda katta yordam beradi. Shuningdek, O'zbekiston agroindustriya sanoatidagi loyihalarini rivojlantirishning dolzarb usullaridan biri sifatida qaraladi. **Okil KARIMOV**

**Абу Шурайх Хузоиъ** розияллоху анхудан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: "Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, қўшнисига яхшилик қилсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонини икром қилсин.

## ҚЎШНИНИНГ ҲАҚИ

Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, яхшиликни гапирсин ёки жим турсин", дедилар (Имом Муслим ривояти). Қўшнига яхшилик қилиш ва унга озор бермаслик кишининг Аллоҳ таолога ва охират кунига иймон келтирганига далolatдир. Мазкур ҳадисдан қўшнига яхшилик қилиш, иззат-икром кўрсатиш иймоннинг тақозоси экани малум бўлади. Шунингдек, иймонга боғлаб таъкидланиши эса, шу каби амалларга эътибор ва аҳамиятни қаратишдир.



Мўмин барча амалларини муҳаббат ва холислик ила адо этиши учун Аллоҳга бўлган иймон таъкидланади. Охиратга бўлган иймон орқали эса, ҳар бир амал учун у қундаги савол-жавоб оқибатида мукофотга эга бўлиш ёки азобда қолиш эслатилади. Кимнинг Аллоҳга ва охиратга иймони бўлса, яхшилик қилади ва ёмонликдан қайтади. Оиша онамиз ва Ибн Умар розияллоху анхумдан ривоят қилинади. Расулulloху соллаллоху алайҳи ва саллам: "Жаброил мени доим қўшни ҳақида яхшиликка буюрганидан, уни меросхўр қилиб қўярмикан, деб ўйладим", дедилар (Муттафақун алайх). Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади. Расулulloху соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: "Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, қўшнисига озор бермасин!...", (Имом Бухорий ривояти). Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: "Аллоҳга қасам, иймон келтирмабди, Аллоҳга қасам, иймон келтирмабди, Аллоҳга қасам, иймон келтирмабди", дедилар. "Ким ё Расулulloху?" дейилди. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: "Қўшнини унинг ёмонлигидан омон бўлмаган киши", дедилар. Баъзида айрим кишиларнинг ўз маҳалла ёки кўчасига кирса, унинг озорларидан безор бўлган қўшнилар ўзини четга олаётганига ё уйига кириб кетаётганига гувоҳ бўламиз. Мазкур ҳадислардаги хабарлар айнан мана шундай кишилар ҳақида бўлмоқда. Қўшнига ҳеч бир иш билан озор етказмаслик ва керак бўлса ёрдамни аямаслик лозимдир. Шунингдек, онда-сонда бўлса-да, қўшнига ҳади бериб туриш, хурсандчилигига шерик бўлгандек, ғам-ташвишига ҳам шерик бўлиш катта савобли амаллардандир. Ибн Умар розияллоху анхумдан ривоят қилади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: "Мусулмон мусулмоннинг биродари, унга зулм қилмайди ва уни хорламайди. Ким биродарининг хожатини раво қилса, Аллоҳ унинг хожатини раво қилади. Ким мусулмондан бир ғамни кеткизса, қиёмат кунини Аллоҳ унинг ғамларидан бирини кеткизади. Ким бир мусулмоннинг айбини беркитса, Аллоҳ унинг айбини қиёмат кунини беркитади", дедилар (Муттафақун алайх). Амр ибн Шуайб розияллоху анхудан ривоят қилинади. Расулulloху соллаллоху алайҳи ва саллам: "...Қўшни ҳақи нима эканини биласанми? Агар ёрдам сўраса, ёрдам бериш, қарз сўраса, қарз бериш, фақир (мутож) бўлиб қолса, егулик бериш, касал бўлса, бориб кўриш, унга яхшилик етса, қутлаш, мусибат етса, таскин бериш, вафот этса, жанозасида иштирок этиш, унинг изнисиз ўз уйини баламд қилиб қурмаслик, қозонда қовурилатган гўшт ҳиди билан озор бермаслик (гўштдан унга ҳам бериш)...", деб марҳумат қилдилар (Имом Харотий ва Имом Табароний ривояти). Юқоридagi ҳадислардан қўшнилар билан муомала нгузал қилиш ва озор бермаслик вожиб эканини ўргандик. Аллоҳ Таоло барчамизга мазкур суннатларга амал қилиб, қўшнилар билан ҳушмуомала бўлишни насиб айласин!

**Муҳаммадшокир БОБОХЎЖАЕВ,** Норин туманидаги "Умархўжа эшон" жомеъ масжиди имом хатби.



## Вирусли гепатитдан ОГОХ БЎЛИНГ!

**Вирусли гепатит "А" касаллиги ўткир юқумли жигар касаллиги бўлиб, қўзғатувчиси вирус ҳисобланади. Дунё миқёсида ҳар йили ўн миллионга яқин инсон ушбу касалликка чалинади.**

Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар бошқаларга нисбатан кўпроқ касалланади. Вируснинг организмга тушиши ва касалликнинг илк белгилари пайдо бўлиши 15 кундан 50 кунгача бўлган даврни ўз ичига олади. Касаллик алиментар йўл билан, яъни вирус билан зарарланган озиқ-овқат маҳсулотлари, сув, ўйинчоқлар ва ифлос қўл орқали юқadi. Вирус ташқи муҳитга ўта чидамли ҳисобланади. 60°C ҳароратгача бўлган чучук ва шўр сувда бир неча ойлаб сақланиши мумкин. Касаллик жигар тўқималарининг ялигланиши, некрозли ўзгаришлар, интоксикация (заҳарланиш) синдромларининг пайдо бўлиши, жигар ва талокнинг катталаниши, жигар фаолиятининг клиник ва лаборатор бузилишлари, сариқлик белгиларининг пайдо бўлиши, сийдик рангининг тўқ рангга кириши, ахлатнинг рангсизланиши билан характерланади. Касаллик клиникасида қуйидаги симптомлар намоён бўлади: ҳолсизлик, дармонсизлик, иштаҳа йўқолиши, кўнгил айниш, қайт қилиш, мушакларда оғриқ.

Яшаш ва иш жойларининг санитария жиҳатдан қониқарсиз ҳолатда бўлиши, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик, аҳолининг зичлиги, озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш қоидаларининг бузилиши, сифатсиз ичимлик сувидан фойдаланиш вирусларнинг кўпайишига шароит яратadi. Ҳўш, ушбу касалликдан қандай ҳимояланиш керак? Касалликка чалинмаслик учун соғлом турмуш тартига, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, оғдат тайёрлаш ва овқатланишдан олдин, жамоат жойлари ва ҳожатхонага боргандан сўнг қўлни яхшилаб совунлаб яроқли сувда ювиш шарт. Озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ва сақлаш жараёнида санитар-эпидемиологик қоидаларга риоя қилиш, мева-сабзавотларни истеъмол қилишдан олдин оқар, сўнгра қайнаган сувда ювиш лозим. Пашшалар – ичак инфекцияларини ташувчиларга қарши кураш ишларининг давомийлигини таъминлаш жоиз. **Ёдда тутинг!**

Профилактик қоидалар кундалик турмуш тарзингизга айланиши керак. Вирусли гепатит "А" касаллигига чалинишни олдини олиш борасидаги энг самарали усул бу касалликка қарши ўз вақтида эмлашдир! **Шерзод ЛАТИБЖОНОВ,** Наманган вилояти санитария-эпидемиологик оқошталлик ва жамоат саломатлиги бошқармасининг иммунопрофилактика бўлими мудири, **Умида ЭШОНХЎЖАЕВА,** бўлим иммунолог шифокори.

### ➤ Реклама

# SHOSHILING !!!

## Kaltsiy va magniy mikroelementli AMMIAKLI SELITRA

### Birja savdolarida.

**Mahsulot sertifikatlangan**  
№ UZ.SMT.01.080.64398163  
GOST 2-2013

**Manzil: Toshkent viloyati Chirchiq shahri Toshkent ko'chasi 2-uy.**

Tel: +998 (7071) 5-25-20, 5-34-40, 9-35-08.  
Faks: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.

info@maxam-chichiq.uz  
www.maxam-chichiq.uz